


## Қашқадарё вилояти бўйича (2000-2016 йиллар) макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили

### 1. Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш


2016 йил якунлари бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 14896,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 5,9 фоизга ўсди. ЯХМ нинг 2000-2016 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 6,2 фоизни ташкил қилди. (1 расм).



*1 расм. 2000-2016 йиллар учун ЯХМнинг ўзгариш динамикаси.*


Ҳудудда олиб борилаётган дастурлар ва лойиҳаларнинг самараси натижаси шунинг билан бирга олиб борилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида ҳудуд иқтисодиёти охириги йилларда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Охириги 7 йилда (2010-2016йиллар) ЯХМ 1,5 баробарга яқин ўсди.



**3 расм. Сўнги 7 йилликда (2010-2016йиллар) ЯХМ ва тармоқларнинг ялли қўшилган қийматнинг ўсиш суръатлари 2009й. = 100%.**

Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, охириги 7 йил давомида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалигида 1,5 марта (2010-2016 йиллар учун ўртача йиллик ўсиш – 6,8%), саноатда – 1,0 баробар (17,3%), қурилишда – 2,8 баробар (19,7%), хизматлар соҳасида – 2,1 баробар (10,1%) ўсганлиги ҳисобига таъминланган.




*4 расм. Аҳоли жон бошига ЯХМни ўзгариши динамикаси, фоизда.*

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари сақланиб турган бир шароитда аҳолининг реал даромадлари ҳам мос равишда ўсиб бораётганинг кузатишимиз мумкин.

2016 йил якунлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) барқарор ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 106,5 фоиз, (ЯХМ таркибидаги улуши – 14,8 фоиз), саноат – 102,1 фоиз (37,4 фоиз), қурилиш – 109,6 фоиз (7,8 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 111,2 фоиз (7,5 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,8 фоиз (6,6 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 108,8 фоиз (22,2 фоиз) ни ташкил қилди.

Қулай ишлармонлик муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари натижасида **Қашқадарё вилоятида** 2010-2016 йиллар учун ўртача 5-6 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.




**5 расм. ЯҲМ таркибининг ўзгариш динамикаси, %.**

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва хизматлар соҳасининг ривожлантириш мамлакат иқтисодиётида бандлик ва аҳоли даромадлари ўсишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳаларнинг ривожланиш салоҳиятини янада кенгайтирилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мазкур тармоқлар қисқа муддат ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланиб ЯҲМ таркибида умумий ҳажмининг ўсиши қишлоқ хўжалиги улушининг йилдан йилга босқичма-босқич камайишга олиб келди. Шу билан бирга, ЯҲМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суръатлари фонидида содир бўлди.


Иқтисодий ислохотларнинг илк даврларидаёқ кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан биргаликда объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришдаги асосий омил ҳисобланган.

Кичик тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг 2000-2016 йиллардаги ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари қуйидагича:



**6 расм. 2000-2016 йилларда кичик бизнес улушининг ўзгариш динамикаси (ЯҲМ га нисбатан фоизда)**

Ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва янада рағбатлантириш натижасида унинг ЯҲМ даги улуши 2000 йилдаги 25,8 фоиздан 2016 йилда 51,7 фоизгача ошди.



**7 расм. Худуднинг Республика ЯИМ тидаги улуши, фоизда**

Қашқадарё вилояти ҳудудида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш шунингдек, хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши натижасида Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда 2000-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг улуши 7,2 фоиздан 7,5 фоизга етганлигини кузатиш мумкин.